

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ УЛУҒБЕК ҲАМРОҚУЛОВИЧ

УРГУТ БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора
философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD)**

Қодиров Улугбек Хамрокулович Ургут ботаник-географик райони флораси.....	5
Қодиров Улугбек Хамрокулович Флора Ургутского ботанико-географического района	23
Kodyrov Ulugbek Hamrokulovich Flora of Urgut botanical-geographical region.....	42
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ УЛУҒБЕК ҲАМРОҚУЛОВИЧ

УРГУТ БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/В305 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.botany.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович
биология фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Рахимова Ташханим
биология фанлари доктори, профессор

Тоғаев Иброхим Усанович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “26” ноябрь куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (44-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2020 йил “11” ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил “11” ноябрдаги 3-рақамли реестр баённомаси).

О.К. Хожиматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
б.ф.д., профессор

Б.А. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Х.Ф. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон томонидан табиий экотизимларни кенг ўзлаштирилиши ва экологик муҳитни бузилиши флора объектлари хилма-хиллигининг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда, ўсимлик турларини сақлаб қолишнинг глобал стратегияси сифатида маълум ҳудуд флоралари ҳолатини баҳоловчи самарали биоҳужжатлаштириш амалиётини ишлаб чиқиш зарур саналади. Шунга кўра, инвентаризациялашнинг замонавий усуллари асосида локал флоралар ҳолатини баҳолаш ва камёб ҳамда эндем турларни сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда, маҳаллий ва миллий флоралар хилма-хиллигини аниқлаш, ҳимояга муҳтож турларини сақлаб қолиш ва муҳофазалашга қаратилган халқаро дастурларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, локал ва глобал флораларнинг таркиби ва келиб чиқиши аниқланди, уларнинг халқаро маълумотлар базаси яратилди, йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур популяцияларини сақлаб қолишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди. Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда ўсимлик турлари таркибини ўзгариши туфайли флора тўғрисидаги классик ва замонавий маълумотларни ўзаро мос келмаслиги, локал флораларнинг “қайноқ нуқталари” ёки “камчилик ҳудудлари” тўғрисида ишончли маълумотларни етишмаслиги турларнинг ҳудудий тақсимланишини баҳолаш ва уларни муҳофаза қилишда аҳамиятли ҳисобланган флораларнинг рақамли тизимни самарали йўлга қўйишни талаб этмоқда. Бу ўринда, ўзига хос флористик ҳудудлардаги турларнинг тарқалиши ва замонавий локализациясини геоахборот усуллар орқали дастурлаш ва шу асосда ҳимояга муҳтож объектларни муҳофазалаш чораларини такомиллаштириш муҳим саналади. Шунга кўра, ботаник-географик ҳудуд флораларини инвентаризациялаш, турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли харитасини яратиш ва уни камёб ҳамда йўқолиб бораётган турларни муҳофазалаш амалиётига жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирда республикамизда маҳаллий флора таркибидаги турлар хилма-хиллигини аниқлаш ва уларни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, республика флораси маълумотларининг электрон базаси яратилди, вилоятлар кадастри юритиш тизими йўлга қўйилди ва камёб турларни *ex-situ* усулда сақлаб қолиш амалиёти жорийлаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “... атроф-муҳитга зарар етказувчи экологик муаммоларнинг олдини олиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Ургут ботаник-географик райони флорасининг таксономик таркибини аниқлаш, турларнинг тарқалишини тўр тизимли хариталар орқали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

баҳолаш, камёб, йўқолиб бораётган ва эндем турлар популяциялари сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги, 2018 йил 19 декабрдаги №1034-сон “Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълум бир табиий ҳудудлар флораларининг таҳлили ва флористик конспектини тузишга қаратилган тадқиқотлар хорижлик олимлар G.B. Bruce & al. (2017), C.S. Chang & al. (2014), V.Funk & al. (2013), эндем турларнинг тарқалиши бўйича тадқиқотлар F. Memariani & al. (2016), L. Peguzzi & al. (2014) ва бошқалар томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида табиий флораларнинг конспектини тузишга қаратилган тадқиқотларни В.М. Валюков, С.В. Саксонов (2020), А.Л. Иванов (2019), А.А. Ivashchenko (2017), А.П. Серегин (2013, 2014) ва бошқаларнинг ишларида кўриш мумкин. Ўрта Осиёда бундай тадқиқотлар Р.В. Камелин (1990), Қ.З. Зокиров (1955, 1961), Г.А. Лазьков, Б.А. Султанова (2011, 2014), ва бошқаларнинг илмий асарларида келтирилган. Ўзбекистонда бу каби тадқиқотлар К.Sh. Tojibaev & al. (2019), А.N. Sennikov & al. (2016), К.Ш. Тожибаев (2010) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Тадқиқот ҳудудидан терилган илк гербарий намуналари А. Леман (1841) тегишли. Ҳозирга қадар УБГР ва унга ёндош бўлган минтақалардан 4000 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилган. Асосий коллекторлар сифатида О.А. Федченко, М.Г. Попов, В.П. Бочанцев, А.И. Введенский, Қ.З. Зокиров, Н.А. Меркулович, С.Н. Кудряшов, А.Я. Бутков, Л.И. Попова, К.Ш. Тожибаев, Н.Ю. Бешколар қайд этилади. Ўсимликлар қоқламининг тузилишини аниқлаш, флоранинг бирламчи рўйхатини тузишга бағишланган изланишлар В.Л. Комаров (1891–1893), С.И. Коржинский (1897), Б.А. Федченко (1913), Қ.З. Зокиров (1955–1961), А.С. Юлдашев (1995–2001) томонидан олиб борилган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон маҳаллий флорасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда Ургут ботаник-географик райони флорасининг тур таркибини аниқлаш, замонавий конспектини тузиш, камёб, йўқолиш хавфи остида қолган ва эндем турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли (ГАТ) харитасини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-0-64792 “Ўзбекистон табиий флорасининг икки уруғпаллали ўсимликларининг систематикаси” (2017-2020), МУ-ФЗ-20171025199 “Ўзбекистон флораси эндемларининг замонавий конспектини тузиш” (2018-2019) ва ПЗ-20170925347 “Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флорасини тўр тизимли хариталаш ва алоҳида аҳамиятга эга ботаник худудларни аниқлаш” (2018-2020) фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ургут ботаник-географик райони флорасини инвентаризациялаш ва турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли харитасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

флоранинг таксономик таркибини аниқлаш, конспектини тузиш ва кенг қўламли таҳлилини амалга ошириш;

Ургут ботаник-географик райони флорасини Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги бошқа маҳаллий флоралар билан қиёсий таҳлил қилиш;

турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли хариталарни геоахборот (ГАТ) тизимида тузиш;

камёб, йўқолиб бораётган ва эндем турларнинг таркибини аниқлаш ва ўсиш майдонларини хариталаш.

Тадқиқотнинг объекти Ургут ботаник-географик райони флорасининг юксак ўсимликлари.

Тадқиқотнинг предмети Ургут ботаник-географик райони флорасининг конспекти, таксономияси, географияси, флоранинг қиёсий таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда флористиканинг маршрутли, ярим стационар, систематик, ареологик, биоморфологик усуллари, шунингдек, ГАТ хариталар тузишнинг замонавий усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ургут ботаник-географик райони флорасининг 89 оила ва 475 туркумга мансуб 1281 турни ўз ичига олувчи замонавий таркиби аниқланган;

илк бор Ўзбекистон флораси учун 5 тур, Помир-Олой флораси учун 4 тур, Зарафшон тизмаси флораси учун 13 тур келтирилган;

флора таркибидаги *Iris svetlanae* (Vved.) T.Hall & Seisums, *Komarovia angiosperma* Korovin, *Iris magnifica* Vved., *Lepidium uzbekistanicum* Al-Shehbaz

камёб ва эндем турларининг янги популяциялари аниқланган ҳамда уларнинг ҳолати баҳоланган;

Ургут ботаник-географик райони флорасидаги 1281 турнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг (2019) навбатдаги нашри учун камёб ва эндем *Colchicum kesselringii* Regel, *Tulipa fosteriana* Irving ва *Iris magnifica* (Vved.) Vved. турлари тўғрисида янги маълумотлар жорий этилган;

Ургут ботаник-географик райони флорасидаги “Қизил китоб”га киритилган 18 та турлар популяцияларининг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги флористик тадқиқотларнинг замонавий усуллари қўлланилганлиги ва янги топилмалар ҳақидаги маълумотларнинг етакчи маҳаллий ва чет эл нашрларда чоп этилганлиги, тадқиқотларнинг асосий натижалари Ўзбекистон маъмурий вилоятларининг давлат кадастри бўйича чоп этилган расмий илмий нашрларни тайёрлашда қўлланилганлиги, олинган маълумотларнинг FLORUZ.UZ ахборот-таҳлил тизими ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган гербарий намуналарининг Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH), Москва (MW), Санкт-Петербург (LE) ва Самарқанд давлат университетининг гербарий фондларида сақланаётган намуналар билан таққосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ургут ботаник-географик райони флорасининг таркиби аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда тадқиқ этилиб, флоранинг танқидий конспекти тузилганлиги, комплекс таҳлили амалга оширилганлиги, Ургут ботаник-географик райони флорасининг ўзига хос хусусиятларини аниқланганлиги, ўрганилган флора ва унга ёндош ҳудудлар учун янги флористик топилмаларнинг келтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари ҳудудларида тарқалган ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва республиканинг ботаник-географик ва административ ҳудудларини тўр тизимли хариталаш усулида баҳолаш тадқиқотларини кенг йўлга қўйишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ургут ботаник-географик райони флорасини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

Ургут ботаник-географик райони флорасининг 89 оила, 475 туркумга мансуб 1281 тур юксак ўсимликлари рўйхати ва тўр тизимли хариталари Китоб Давлат ўрмон хўжалиги бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 8 июлдаги 05/21-1943-сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон хўжаликлари ерларидаги 234 тур доривор, 123 тур асал-ширали, 81 тур эфир мойли, 39 тур бўёқбоп турлар тарқалган ҳудудларни аниқлаш ва ресурслари ҳолатини баҳолаш имконини

берган;

Ургут ботаник-географик райони флорасидаги “Қизил китоб”га киритилган турлар популяцияларининг ҳолати ва уларнинг тарқалишини ақс этирувчи ГАТ хариталари Китоб Давлат геологик қўриқхонаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 5 июлдаги 03-01/12-4560-сон маълумотномаси). Натижада, 18 та камёб ва йўқолиб бораётган турлар популяциялари ҳолатини баҳолаш ҳамда давлат кадастрини юритиш имконини берган;

Ургут ботаник-географик райони флорасидан 1199 турнинг 3105 та гербарий намуналари Ботаника институти Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) республика ноёб илмий объекти фондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 1 июлдаги 4/1255-1366-сон маълумотномаси). Натижада, гербарий намуналар ноёб объектнинг Ўрта Осиё бўлими ва Кўҳистон ботаник-географик округи ўсимликлари коллекциясини бойитган ва FLORUZ.UZ маълумотлар электрон базасини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари, тадқиқот ишининг натижалари 4 та монографияда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ургут ботаник-географик райони ҳудудида олиб борилган флористик тадқиқотлар ва флорани инвентаризациялашнинг замонавий усуллари”** деб номланган биринчи боби Ургут ботаник-географик районида олиб борилган тадқиқотлар ва тўр тизимли хариталаш бўйича

хорижда олиб борилаётган тадқиқотларнинг таҳлили натижаларига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида мазкур ҳудудда олиб борилган ботаник изланишларнинг таҳлили келтирилган. Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари флорасини ўрганишга қаратилган илмий изланишлардаги дастлабки гербарий намуналари А.А. Леман 1841 йил, 1868–1869 йилларда О.А. Федченко, 1875 йилда, А.Э. Регел 1882 йилда, Н.А. Мазевой, 1878 йилда М. Невский ва 1879 йилда А.С. Барщевский томонидан йиғилган. Шу билан бир қаторда тадқиқот ҳудудида В.Л. Комаров (1891–1893 й.), В.И. Липский (1887–1903), Б.А. Федченко (1913–1927), М.Г. Попов (1925–1940), Н.А. Меркулович (1936), Қ.З. Зокиров (1955, 1961), Ў. Алланазарова (1980), Р.В. Камелин (1973–1979), Э.Ашуров (1985–1988) ва бошқалар томонидан ўсимликлар қопламини ўрганишга қаратилган ишлар олиб борилган. Шунга қарамасдан, мазкур ҳудуднинг тўлиқ ва ишончли флористик рўйхати ҳали ҳам мавжуд эмас. Бу эса нафақат Ўзбекистон балки Ўрта Осиё ўсимликлар хилма-хиллигини ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг катта бўшлиғи ҳисобланади.

Бобнинг иккинчи бўлими тўр тизимли хариталаш бўйича хорижда олиб борилаётган тадқиқотларнинг таҳлиliga бағишланган. Ўтган асрнинг 60-йиллардан бошлаб бутун Ғарбий Европа мамлакатлари флораларини умумлаштирадиган *Atlas Flora Europea* (<https://www.luomus.fi>) мега лойиҳасининг бошланиши юқори даражадаги билимлар мажмуасини шакллантирди ва сифат жиҳатдан янги босқичдаги тадқиқотларни бошлаш учун асос сифатида хизмат қилди. Масалан, бир қатор миллий флораларнинг инвентаризацияси ва турларнинг тарқалишини хариталаш тўр тизимли хариталаш асосида олиб борилган. Жумладан, Буюк Британия ва Ирландия 10×10 км (1982, 2009), Белгия ва Люксембург 1×1 км, 4×4 км (2011, 2012), Нидерландия 5×5 км (1980), Германия 6'×10' км (1996), Словения 3'×5' км (2001) ва бошқ. Сўнгги йилларда Россиянинг бир қанча вилоятлари, жумладан, Бурятия, Чита, Иркутск (2006), Тула (1999, 2006), шимоли-ғарбий Россия (2012, 2014), Владимир вилояти (2014) флорасини таҳлил қилишда ушбу услубдан кенг фойдаланилган.

Мазкур тадқиқотлар давомида илк бор флора таркибидаги ҳар бир тур (турга тегишли бўлган гербарий намуналари асосида) 5×5 км ўлчамдаги катаклар бўйича хариталанди. Бунда тадқиқот ҳудудидан 1841 йилдан бошлаб терилган намуналар ва 2017–2020 йиллар давомида муаллиф томонидан йиғилган маълумотлар инобатга олинган.

Диссертациянинг **“Ургут ботаник-географик райони флорасининг конспекти”** деб номлаган иккинчи бобида тадқиқотнинг объектлари ва методлари, флора конспектининг тузилиши ва янги флористик топилмалар тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида тадқиқот объекти ва методлари келтирилган бўлиб, дала тадқиқотларида терилган гербарий намуналарининг таксономик бирликларини аниқлашда “Ўрта Осиё ўсимликлар аниқлагичи” (1963–2015),

“Ўзбекистон флораси” (1941–1962; 2016-2019), “СССР флораси” (1934–1964), “Тожикистон флораси” (1957–1991) асарларидан фойдаланилган. Таксонлар ўсимлик дунёсининг замонавий филогенетик тизимларига асосан жойлаштирилган: Polypodiophyta бўлими Christenhusz & al., (2011) томонидан ишлаб чиқилган тизим бўйича, Gymnospermae бўлими Christenhusz & al., (2011) тизими бўйича, Angiospermae бўлимининг тартиби, оилалари, туркумлари эса замонавий APG IV (2016) тизимига асосан жойлаштирилган. Оила ва туркумларнинг ҳажми ушбу тизимга асосан қабул қилинган.

Бобнинг иккичи бўлимида ҳар бир турнинг чоп этилган илк манбаси, ҳаётий шакли, ареал типи, экологик макони, баландлик минтақаси, хўжаликдаги аҳамияти ва гербарий намуналарининг коллекторлари келтирилган.

Бобнинг учинчи бўлимида янги флористик топилмалар ҳақида маълумотлар берилган. Олиб борилган дала тадқиқотлари ва МДХ давлатларидаги йирик гербарий фондларида сақланаётган гербарий намуналарини таҳлили натижасида Ўзбекистон флораси учун илгари келтирилмаган янги 5 тур (*Taraxacum microspermum* Schischk., *Taraxacum tadshikorum* Ovcz., *Scutellaria poecilantha* Nevski ex Juz., *Crucianella gilanic* Trin., *Pedicularis semenowii* Regel) ва Помир-Олой тоғ тизмаси учун янги 4 тур (*Elaeosticta transitoria* (Korovin) Kljuykov, Pimenov & V.N.Tikhom., *Viola collina* Besser, *Haplophyllum obtusifolium* Ledeb., *Asperula congesta* Tscherneva), Зарафшон тизмаси учун янги 13 тур (*Taraxacum macrochlamydeum* Kovalevsk., *Cousinia praestans* Tscherneva & Vved., *C. tenella* Fisch. & C.A. Mey., *Jurinea asperifolia* Iljin., *Koelpinia macrantha* C. Winkl., *Oedibasis apiculata* (Kar. & Kir.) Koso.-Pol., *Bellevalia turkestanica* Franch., *Phlomis linearifolia* Zakirov, *Scutellaria botschantzevii* Abdullajiva, *Carex pamirensis* C.B. Clarke., *Eleocharis mitracarpa* Steud., *Valerianella triplaris* Boiss. & Buhse, *Salvia ariana* Hedge.) аниқланди.

Диссертациянинг “**Ургут ботаник-географик райони флорасининг кенг кўламли таҳлили**” деб номланган учинчи бобида флоранинг таксономик, биоморфологик, географик ва қиёсий таҳлил натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими флоранинг таксономик таҳлилига бағишланган. Ургут ботаник-географик райони флорасида кўпгина тадқиқотчилар томонидан тадқиқотлар олиб борилганлиги қарамасдан мазкур ҳудуд флорасининг тур таркиби аниқланмаган. Фақатгина, Э. Ашуров (1988) томонидан Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари флораси учун 68 оила, 320 туркумга мансуб 670 турнинг рўйхатини келтирган. Мазкур тадқиқотлар давомида флора таркиби 611 тур билан бойитилди. Бу кўрсаткич мазкур ҳудудда рўйхатга олинган мавжуд ўсимликлар хилма-хиллигининг 47,69% ташкил этади. Диссертация тадқиқотининг натижасига кўра эса Ургут ботаник-географик райони флораси 89 оила 475 туркумга мансуб 1281 тур юксак ўсимликлардан иборат эканлиги аниқланди. Бу кўрсаткич Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги ўртача баландликдаги айрим арид ва субарид тоғлар флораларидан бирмунча кам. Масалан, Сирдарё Қоратов флораси учун 1666 тур келтирган бўлса

(Камелин, 1990), Шахристон флораси учун 1251 тур (Камелин, 1979), Кўҳистон ва унинг атрофларидаги ҳудудлар учун 1450 тур (Камелин, 1990), Молгузар тизмаси флораси учун 1255 тур (Азимова, 2018), Бойсун ботаник-географик райони флораси учун 1564 тур (Тургинов, 2017), Нурота тоғи флорасининг замонавий рўйхати 1289 турни ўз ичига олади (Тожибаев, Бешко, Попов, 2016). Умуман олганда, Ургут ботаник-географик райони флорасининг турлар бойлиги даражасини Тоғлиўртаосиё провинцияси учун меъёрий деб баҳолаш мумкин.

Ўрганилаётган флорадаги йирик таксономик бирликларнинг ўзаро нисбати Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги бошқа флоралар билан ўхшаш. Қуйидаги синфлардан Equisetidae (Equisetaceae), Ophioglossidae (Ophioglossaceae), Polypodiidae (Pteridaceae, Aspleniaceae, Cystopteridaceae, Polypodiaceae) 7 туркумга мансуб 11 тури (умумий флоранинг 0.85%), Gnetidae (Ephedraceae) ва Pinidae (Cupressaceae) синфларидан 2 туркумга мансуб 6 тури (0.47%) тарқалган. Тоғли Ўрта Осиёнинг жанубий қисмидаги маҳаллий флоралардаги каби Очиқ уруғлиларининг айрим турлари (*Ephedra equisetina*, *E. intermedia*, *Juniperus polycarpos* var. *seravschanica*) тадқиқот ҳудудининг ўсимликлар қопламида юқори ўринни эгаллайди.

Ургут ботаник-географик райони флорасида Ёпиқ уруғли ўсимликлар (Mesangiosperm) 80 оила 466 туркумга мансуб 1265 турлардан иборат ва жами турларнинг 98,67% ташкил этади. Булардан бир уруғпаллалилар (Monocots) 16 оила, 88 туркум, 266 тур (20,75%), икки уруғпаллалилар (Eudicots) 65 оила 387 туркумга мансуб 999 тур ёки 77,93% иборат. Бир уруғпаллали ва икки уруғпаллалиларнинг умумий нисбати 1:5,15 ташкил қилиб, бундай нисбат Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги флоралари учун характерли хусусият ҳисобланади. УБГР флорасида битта оилага ўртача 5,3 туркум ва 14,4 тур (1:5,33:14,4) тўғри келиши аниқланди. Ургут ботаник-географик районининг флорасида 1 тадан турга эга бўлган оилалар 21 (1,79%), 2 тадан 9 тагача бўлган оилалар 40 та, уларда 163 тур жамланган (12,72%), 10 тадан 19 тагача турларга эга бўлган оилалар 9 та бўлиб, 118 тур (9,21%) ташкил этди.

Етакчи оилалар таркибида 20 тадан ортиқ турларга эга бўлган оилалар 17 та бўлиб, улар 984 турни (76,68%) ўз ичига олади. Етакчи оилаларнинг дастлабки 11 таси Голарктик ареал типига мансуб бўлиб, унда Asteraceae (178 тур – 13,89%), Poaceae (121–9,44%), Fabaceae (109–8,5%), Brassicaceae (81–6,32%) оилалари етакчилик қилади. Кейинги ўринларда Қадимийўртаерденгизи ареал типини Liliaceae (33–2,57%), Polygonaceae (30 – 2,34%), Rubiaceae (24–1,87%) оилалари билан ҳамда Ўртаерденгизининг шарқий қисми учун характерли бўлган турлар эса Amaryllidaceae оиласи (20 – 1,56%) вакиллари билан устунлик қилади. Қолган 72 оилада 297 тур жамланган бўлиб, улар флоранинг 23,32% тенг (1-жадвал). Биринчи уч оила (As-Po-Fa) флоранинг 1/3 қисмини ўзида умумлаштиради. Етакчи оилаларнинг бундай спектри Тоғлиўртаосиё провинцияси флораси учун хосдир (Камелин, 1973, 1990; Тожибаев, 2010). Иккинчи учликда (Br-La-Ap) Brassicaceae оиласининг юқори

ўринни эгаллаши асосан *Alyssum* (5 тур), *Lepidium* (9), *Parrya* (4) каби туркумлар ҳисобига тўғри келади. Lamiaceae оиласида бу каби туркумларни *Salvia* (10), *Scutellaria* (8), *Nepeta* (6), *Phlomoïdes* (6) ва бошқ. ташкил қилади.

1-жадвал

Ургут ботаник-географик райони флорасининг полиморф оилалари ва туркумлари спектри

№	Оилалар	Туркумлар сони	Турлар сони	%	Туркумлар	Турлар сони	%
1	Asteraceae	64	178	13,89	<i>Astragalus</i>	53	4,13
2	Рoaceae	50	121	9,44	<i>Cousinia</i>	27	2,1
3	Fabaceae	19	109	8,5	<i>Gagea</i>	26	2
4	Brassicaceae	46	81	6,32	<i>Allium</i>	20	1,56
5	Lamiaceae	27	65	5	<i>Ranunculus</i>	19	1,48
6	Ариaceae	34	64	5	<i>Artemisia</i>	18	1,4
7	Caryophyllaceae	18	49	3,82	<i>Silene</i>	17	1,32
8	Ranunculaceae	14	45	3,51	<i>Veronica</i>	15	1,17
9	Rosaceae	13	42	3,27	<i>Galium</i>	14	1
10	Boraginaceae	18	41	3,2	<i>Euphorbia</i>	12	0,93
11	Сyperaceae	12	38	2,96	<i>Carex</i>	12	0,93
12	Liliaceae	3	33	2,57	<i>Poa</i>	12	0,93
13	Polygonaceae	6	30	2,34	<i>Polygonum</i>	11	0,85
14	Caprifoliaceae	8	24	1,87	<i>Iris</i>	11	0,85
15	Rubiaceae	5	24	1,87	<i>Oxytropis</i>	10	0,78
16	Plantaginaceae	4	20	1,56	<i>Salvia</i>	10	0,78
17	Amaryllidaceae	1	20	1,56	<i>Valerianella</i>	10	0,78
		342	984	76,68		297	22,9
Жами:	Қолган оилалар (72 та)	133	297	23,32	Қолган туркумлар (453 та)	984	77,1
		475	1281	100%			

Бу учлик таркибида Помир-Олой тизмаси учун эндем бўлган турларнинг кўплиги тадқиқот ҳудудининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотларнинг асосий натижалари флора таркибида 475 туркум мавжудлигини кўрсатди. Статистик таҳлилларга кўра ўртача битта туркумга 2,69 тур тўғри келади. Битта турдан иборат туркумлар сони 235 бўлиб, умумий туркумларнинг деярли ярмига тенг (49,47%). Улардан 22 таси монотип туркум ҳисобланиб, улар орасида ҳудуд учун эндем ва субэндем туркумлар мавжуд. Хусусан эндем, *Komarovia* Kogovin тадқиқот ҳудуди учун, субэндем *Sergia* Fed. Фарбий Помир-Олой, ҳудудидан ташқарига чиқмайдиган эндем туркумдир. Биттадан турга эга бўлган туркумлар асосан Brassicaceae (63%), Asteraceae (42,18%), Poaceae (48%), Ариaceae (64,7%), Lamiaceae

(48,14%) оилаларида кўпчиликни ташкил этади. Флорада 10 тадан ортиқ турга эга бўлган полиморф туркумларда 297 тур жамланган (1-жадвал). *Astragalus* (53–4,13%), *Cousinia* (27–2,1%), *Gagea* (26–2%) туркумлари Тоғли Ўрта Осиёдаги локал флоралар сингари тадқиқот худуди флорасида ҳам етакчи ўринда туради. Шундай қилиб, Ургут ботаник-географик район флораси Тоғлиўртаосиё провинциясидаги ўртача бой флора ҳисобланади.

Бобнинг иккинчи бўлими флоранинг географик таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда 7 ареал синфга мансуб 41 ареал типлари ажратилди (2-жадвал). Ареал синфлари ва типларига ажратишда Ўрта Осиёнинг тоғли қисми (Камелин, 1973; Кармышева, 1982) ва Ўзбекистоннинг локал флораларига бағишланган ишлардан (Красовская, Левичев, 1986; Тожибаев, 2010; Батошов, 2016; Тургинов, 2017 ва бошқ.) фойдаланилган ҳолда тuzилган.

2-жадвал


Ургут ботаник-географик райони флорасининг географик спектри

Ареал синфлари	Ареал типлари сони	Турлар сони	%
Плюрирегионал синфи	1	113	8,82
Голарктик синфи	1	48	3,75
Палеарктик синфи	9	258	20,1
Қадимийўртаерденгизи синфи	9	418	32,64
Ўртаосиё синфи	8	146	11,39
Тоғлиўртаосиё синфи	3	134	10,46
Помиролой синфи	10	164	12,15
Жами:	41	1281	100

Ургут ботаник-географик райони флорасининг географик таҳлиliga кўра Палеарктик (258 тур 20,10%) ва Қадимийўртаерденгизи (418 тур 32,64%) ареал синфларига мансуб турлар флоранинг $\frac{1}{3}$ қисмини ташкил этиши аниқланди. Помиролой ареал синфи 9 ареал типга мансуб 140 турни ўз ичига олади (12,15%). Тоғли Ўрта Осиёнинг автохтон турлари (Тоғлиўртаосиё ва Помиролой ареал синфлари) йиғиндиси флоранинг (298 тур, 23,26%) $\frac{1}{5}$ қисмини ташкил қилади. Бу кўрсаткични бошқа локал флоралар билан қиёслаганда, жумладан, Сирдарё Қоратоғи флорасида (345/20,70%), ББГР флорасида (371/29,48%), Кухитанг (283/37,88%) ва Нурота кўриқхонаси флорасида (256/32,56%) УБГР флорасида автохтон турларининг ўрни салмоқли эканлиги аниқланди. Ареал типларида эса Палеарктика (111 тур), Плюрирегионал (113 тур) ва Қадимийўртаерденгизи (105 тур) ареал типлари пешқадамлик қилади. Бу натижалар шуни кўрсатадики, УБГР флорасида Шимолий ярим шарнинг субтропик ва мўътадил минтақаларига хос бўлган ўсимлик вакиллари асосий ўрин тутади, улар биргаликда 676 турни (52,73%) ташкил қилади.

Олиб борилган кенг кўламли тадқиқотларнинг навбатдаги қисми турларни ареал синфлари кесимида тўр тизимли хариталаш ва унинг таҳлиliga бағишланган. Мисол тариқасида, Қадимийўртаерденгизи ареал синфига мансуб турлар бўйича маълумотларни қуйида келтирамиз.

Ургут райони учун келтирилган 277 квадратлардан 255 та квадратларда (92,06%) бу ареал синфига кирувчи турлар тарқалганлиги аниқланган (1-расм). Тўр тизимли катакларда турларнинг учраши бўйича энг юқори кўрсаткич 6–11 тагача турлардан иборат бўлган катаклар 130, 1–5 тагача турлардан иборат бўлган катаклар 74 тани ташкил қилди. 4 та квадратда энг кўп тур (21–24 тур) учраши аниқланди. Бу синф таркибида асосан полиморф оила вакиллари синг ҳиссаси катта (*Asteraceae* (57 тур), *Рoсacеae* (42), *Brassicacеae* (34), *Fabacеae* (29), *Rosacеae* (22), *Boraginacеae* (18), *Apiacеae* (18), *Caryophyllacеae* (16)), яъни 56,45% ташкил этади.



1-расм. Қадимий ўртаерденгизи ареаллар синфи турларининг тўр тизимли харитаси

Бобнинг учинчи бўлими флоранинг ҳаётий шакллар бўйича таҳлиliga бағишланган. Турларни ҳаётий шакллар бўйича тақсимланиши “Ўрта Осиё ўсимликлар аниқлагичи” (1968–2015) асосида келтирилган.

УБГР флорасининг ҳаётий шакллари 8 гуруҳга ажратилган (дарахтлар 2,73%, буталар 4,37%, бутачалар 0,39%, яримбуталар 1,49%, яримбутачалар 1,87%, кўп йилликлар 51,84%, икки йилликлар 5,69%, бир йилликлар 31,62). Ҳаётий шакллари спектрида кўп йиллик ўтлар 664 турдан иборат бўлиб, умумий флоранинг 51,84% ташкил этади. Р.В. Камелин (1979) фикрига кўра, ҳудудда кўп йиллик турларнинг учраши мўътадил голарктик флораларнинг хусусиятидир. Кўп йиллик ўтлар флорадаги етакчи оилаларнинг туркумлари ҳисобига тегишлидир, масалан *Astragalus* – 33, *Oxytropis* – 10 (*Fabaceae*), *Gagea* – 26 (*Liliaceae*), *Allium* – 20 (*Amaryllidaceae*), *Ranunculus* – 16 (*Ranunculaceae*) ва бошқалар.


Бобнинг тўртинчи бўлими флоранинг қиёсий таҳлиliga бағишланган. Қиёслаш, Ғарбий Тиёншондаги Сирдарё Қоратоғи (СҚ) флораси (Камелин, 1990) ҳамда Помир-Олой тизмасидаги Бойсун ботаник-географик райони (ББГР) флораси (Тургинов, 2017) билан амалга оширилди. Қиёслаш учун танланган флоралардаги турларнинг ўхшашлик даражаси Р. Jaccard (1901) ўхшашлик коэффиценти ёрдамида аниқланилиб, кластер таҳлили амалга оширилди. СҚ флораси 642 тур ($K_j=0,27$), ББГР флораси билан эса 822 тур ($K_j=0,40$) бир хил эканлиги аниқланди. Бу ҳолат уларнинг Помир-Олой

тизимда жойлашганлиги ҳамда умумий генезисга эга эканлиги билан асосланади. Ўхшашликнинг юқори даражаси Помир-Олойнинг автохон турлари, аввало *Astragalus* (69,81%), *Cousinia* (51,85%), *Gagea* (65,38%), *Allium* (70%) ва бошқ. туркумлари ҳисобига тўғри келади. Қиёсланаётган ҳар учала флора учун умумий бўлган турлар орасида Қадимийўртаерденгизи, Палеарктик ва Голарктик ареал синфига мансуб турлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

УБГР флораси турлар хилма-хиллигига кўра Ўрта Осиёнинг тоғли қисми учун хос бўлган, ўртача бой флоралардан бири ҳисобланади. Турларнинг сонига кўра Ғарбий Тиёншондаги Талос Олатоғининг ғарбий қисми (Кармышева, 1982), Бошқизилсой (Красовская, Левичев, 1987) ёки Ғарбий Помир-Олойдаги Оксув дарёси ҳавзаси (Сулаймонов, 2008), Зомин давлат кўриқхонаси (Хасанов, Эсанқулов, 2013), Варзоб флораси (Камелин, 1971) ва ББГР флоралари (Тургинов, 2017) ўртасида оралик ҳолатни эгаллайди.

Диссертациянинг “Ургут ботаник-географик райони флораси турларини тўр тизимли хариталаш усулида тарқалишининг таҳлили” деб номланган тўртинчи боби флора таркибидаги етакчи оилалар турларининг ва камёб ва эндем турларни тўр тизимли хариталаш ва уни таҳлиliga бағишланган.


Бобнинг биринчи бўлимда флора таркибидаги етакчи оилалар турларининг тўр тизимли хариталаш бўйича таҳлили амалга оширилган. Ҳозирга қадар маҳаллий флоралар таркибидаги турларнинг тўр тизимли асосида тарқалишини акс эттирадиган тадқиқотлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё учун янги йўналиш ҳисобланади. УБГР флорасида 89 оила, 475 туркумга мансуб 1281 тур учун мавжуд бўлган 6974 нусхадаги гербарийлар асосида тўр тизимли хариталар яратилди. Хариталарни яратиш икки асосий кўрсаткич: квадратлар бўйича аниқланган турлар сони (*species richness*) ва ҳозиргача йиғилган гербарий намуналарининг сони (*collection density*) бўйича олиб борилди. Маълумотлар 274 та квадратлар бўйича таҳлил қилинди (98,10%). Турлар сони бўйича максимал кўрсаткич 86 турни ташкил этса, йиғмалар зичлиги бўйича эса 109 ни ташкил этди (2-расм).



2-расм. Турлар хилма-хиллиги (*species richness*) ва йиғмалар зичлиги (*collection density*) бўйича хариталар

Флорадаги турларнинг тўр тизимли хариталарда тарқалишининг ўзига хос

хусусиятларини аниқлаш мақсадида етакчи 10 оилага алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир оила учун квадратлар кесимида турларга бойлиги ва йиғилган гербарий намуналарининг зичлиги бўйича тўр тизимли хариталар яратилган. Мисол учун, Asteraceae оиласининг тадқиқот ҳудудидаги 150 дан ортиқ турларига мансуб бўлган 800 дан ортиқ гербарий намуналари TASH фондида сақланмоқда. Бу намуналар мавжуд 277 дона квадратлардан 228 тасида тарқалганлиги аниқланиб, бу кўрсаткич 82,31% ташкил этади (3-расм). Asteraceae оиласи турларининг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли хаританинг шаклланишида етакчи 10 туркумнинг аҳамияти юқори даражада бўлиб, *Cousinia*, *Artemisia* туркумлари турлар сони ва мавжуд гербарий намуналарининг сонига кўра ҳам устунлик қилади.



3-расм. Asteraceae оиласи бўйича турлар хилма-хиллиги (species richness) ва йиғмалар зичлиги (collection density) бўйича тўр тизимли хариталар

Ушбу оила учун квадратлар бўйича турларнинг максимал сони 33 тани, йиғмалар бўйича эса 38 тани ташкил этади. Шунингдек, гербарий намуналари асосида тайёрланган тўр тизимли харитасининг шаклланишида полиморф туркумлар билан бир қаторда *Lactuca*, *Centaurea*, *Aster*, *Sonchus* каби рудерал турлар хилма-хиллиги билан ажралиб турувчи туркумлар ҳам фаол иштирок этади.

Табиий флора таркибидаги турларни тўр тизимли хариталаш бўйича олиб борилган дастлабки тажриба классик флористика йўналиши бўйича ҳозиргача олиб борилаётган изланишлар бўйича бир қатор хулосалар чиқаришга имкон берди. Аввало, Ўзбекистон ва унга ёндош бўлган Тоғлиўртаосиё провинцисидagi маҳаллий флоралар бўйича тўпланган маълумотлар тўр тизимли хариталаш ишларини бошлаш учун етарлича асос бўла олади ва бу каби рақамлаштирилган форматдаги тадқиқотларнинг кўламини орттириш лозим. Иккинчи томондан эса, айнан тўр тизимли хариталаш ҳозиргача олиб борилган тадқиқотларнинг камчиликларини кўрсатди. Хусусан, изланишлар олиб борилган ҳудуди мисолида кўриндики, дала тадқиқотларининг аксарият қисми ўрта ва юқори тоғ минтақаларида олиб борилган. Бунинг самараси сифатида тегишли квадратлар бўйича турлар ва йиғмалар сони нисбатан юқори кўрсаткичга эга (2-расм). Бироқ, адиролди ва адир минтақалари, шунингдек, аҳоли турар жойлари, экин майдонлар атрофларида мавжуд бўлган флора

таркибига эътибор жуда паст бўлган. Бунинг оқибатида рудерал ва инвазив турларнинг таркиби бўйича дастлабки маълумотлар базаси шаклланмаган. Шунингдек, флористик тадқиқотлар давомида гербарий намуналарини йиғишда методик ёндашув такомил эмаслиги ҳам намоён бўлмоқда. Мавжуд йиғмалар асосан полиморф туркумлар ёки ҳудуд флораси учун камёб ёки эндем турлар учун амалга оширилган. Бу каби ҳолатлар ажратилган квадратлар бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги ва тўр тизимли хариталаш борасидаги давомли тадқиқотлар долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.


УБГР флорасида аниқланган 1281 турнинг ажратилган 277 катаклар бўйича тақсимланиши мулоҳаза ва мунозараларга сабаб бўлувчи натижаларни кўрсатди. Масалан, жами турларнинг 75,95% (973 тур) 1 дан 10 тагача катакларда учрайдиган ўсимликлардан иборат эканлиги аниқланди. Навбатдаги гуруҳга эса максимал даражада 50 тагача катакларда тарқалган турлар киритилди. Уларнинг сони 298 турни ташкил этади ва флоранинг 23,32% ташкил этади холос. Тадқиқот ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган турлар максимал даражада 100 тагача бўлган катакларни эгаллайди. Бироқ, уларнинг сони 10 турдан ортмайди. Улар 5 оилага мансуб бўлиб, *Hypericum perforatum*, *H. scabrum*, *Allium verticillatum*, *Iris magnifica*, *Ziziphora clinopodioides*, *Phlomis salicifolia*, *Tulipa fosteriana*, *T. turkestanica*, *Ranunculus rufosepalus*, *Ranunculus sewerzowii* каби турлардан иборат. 100 ва ундан ортиқ катакларни қамраб олган турлар флора таркибида қайд этилмади.

Ўсимлик турларини тўр тизимли хариталаш таҳлилидан олинадиган асосий хулосалар қаторида маҳаллий флора хилма-хиллигининг инвентаризацияси ва биологик хужжатлаштиришга бағишланган замонавий тадқиқотлар максимал даражада гербарий намуналарини йиғиш, йиғмаларни қайд этишни тўла рақамли форматга ўтказиш, тўр тизимли хариталаш услубидан янада кенгроқ фойдаланиш, дала ва фонд маълумотларни марказлашган ягона маълумотлар базасига аккумуляциялаш ва қолаверса, флора таркибини ўрганиш динамик жараён эканлиги алоҳида қайд этилади.

Шунингдек, тадқиқот ишини давомида УБГР флорасидаги камёб, эндем ва Қизил Китобга мансуб бўлган 50 турни тўр тизимли хариталаш орқали тадқиқот ҳудуди бўйича тарқалишини таҳлили амалга оширилди.

Флора таркибидаги камёб ва эндем турларнинг тарқалиши ҳам аниқланган умумий ҳолатга тўғри келади, яъни ажратиб олинган 50 турнинг 80% (40 тур) 1–10 тагача бўлган катакларда учраши аниқланди. Бу гуруҳ таркибидаги энг фаол турлар қаторига *Tulipa micheliana*, *Allium majus*, *Eremurus robustus* сингари Ўзбекистон Қизил Китобига (2019) киритилган ўсимликларни киритиш мумкин. Улар максимал даражада 7 тадан (277 катакларнинг 2,57%) катакда тарқалганлиги аниқланди. Шунингдек, ҳудуд флорасида камёб ва эндем ҳисобланган 10 тур эса битта катакда тарқалганлигини кўришимиз мумкин (4-расм). Олинган натижа бир томондан мазкур катакларнинг (К6, К9, К10, Л9, О13, О14, О15, П12) маҳаллий флора генофондини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд сифатида қайд этилиши лозимлигини кўрсатса,

иккинчи томондан эса бу турлар тарқалган майдонларнинг кескин қисқариб бораётганлигини кўрсатади (4-расм).



4-расм. Флоранинг камёб элементларини тарқалиш харитаси

Иккинчи гуруҳ (50 тагача катак) 9 та турдан иборат бўлиб, улар 277 катакдан 39 (14%) тасида тарқалган; учинчи гуруҳ (100 тагача катак) фақат мазкур флоранинг асосий рамзий белгиларидан бир ҳисобланган *Tulipa fosteriana* билан чегараланади. Бу тур Миллий Қизил Китобга киритилганлигига ва антропоген омиллар таъсири юқори эканлигига қарамай, ушбу гуруҳга мос келди ва ҳудуднинг 58 катакларида (тахминан 2900 га майдонда) тарқалган ёки умумий ҳудуднинг 19,49% эгаллайди.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкин, кейинги табиий ҳудудларни флорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда тўр тизимли хариталаш методикаси қўллаш ва интевсив равишдаги гербарий намуналарини тўплаш ҳамда маълумотлар базасига киритиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш керак.

Диссертациянинг “**Ургут ботаник-географик райони флорасининг эндем турлари**” деб номланган бешинчи боби Ургут ботаник-географик райони флорасининг эндем турлари таҳлилига бағишлан.

УБГР ҳудуд флораси учун 6 оила 11 туркумга мансуб 15 эндем тур ва 11 оила 20 туркумга мансуб 20 субэндем турлари тарқалганлиги аниқланди ва уларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли харитаси яратилди. Мазкур хариталар олиб бориладиган кейинги дала тадқиқотларида турларнинг популяцияси ҳолатини мониторинг қилишда амалий аҳамият касб этади.

ХУЛОСАЛАР

“Ургут ботаник-географик райони флораси” мавзусидаги фалсафа доктори диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ургут ботаник-географик райони флораси 89 оила, 475 туркумга мансуб 1281 турдан иборат.

2. Олиб борилган флористик тадқиқотлар мавжуд маълумотларни 611 турдаги юксак ўсимликлар билан тўлдиришга хизмат қилди. Бу кўрсаткич

маҳаллий флорадаги жами турларнинг 47% ортиғини ташкил қилади.

3. Ўзбекистон флораси учун 4 тур, Ғарбий Помир-Олой учун 4 тур, Зарафшон тизмаси флораси учун 13 тур илк бор келтирилмоқда.

4. Ургут ботаник-географик райони флорасидаги турларнинг ҳудуд бўйлаб тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли хариталар геоахборот тизимида тузилиб, 973 тур (75,95%) 1 дан 10 тагача катакларда учрайдиган ўсимликлардан иборат.

5. Флора таркибидаги камёб турларнинг асосий қисми К (6, 9, 10), Н (13, 14, 5), О (13, 14, 15), П (10, 11, 12, 13, 14, 18) катакларда концентрациялашган бўлиб, маҳаллий флора генофондини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд сифатида белгиланади.

6. Географик элементлар орасида Қадимийўртаерденгизи ареаллар синфи (418 тур), Палеарктика ареал синфи (258 тур) етакчилик қилади. Тоғли Ўрта Осиёнинг автохтон элементлари йиғиндиси флоранинг $\frac{1}{5}$ қисмини ташкил этади.

7. Флоранинг эндемизм фракциясини 6 оила 11 туркумга мансуб 15 эндем тур ва 13 оила 27 туркумга тегишли 29 субэндем турлар ташкил этади ва бу кўрсаткич бўйича Кўхистон округида етакчи ўрин эгаллайди.

8. Ургут ботаник-географик райони флорасидаги турларнинг тарқалишини акс эттирувчи тўр тизимли хариталари табиатни муҳофаза қилиш, давлат кадастрини юритиш ва ўрмон хўжаликлари амалий фаолиятлари учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ**

ИНСТИТУТ БОТАНИКИ

КОДИРОВ УЛУГБЕК ХАМРОКУЛОВИЧ

ФЛОРА УРГУТСКОГО БОТАНИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНА

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/B305.

Диссертация выполнена в Институте ботаники.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.botany.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович
доктор биологических наук, академик

Официальные опоненты:

Рахимова Ташханим
доктор биологических наук, профессор

Тогаев Иброхим Усанович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится “26” ноября 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.39.01 при Институте ботаники (Адрес: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-79-38, e-mail: botany@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за №44). Адрес: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан “11” ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки №3 от “11” ноября 2020 года)

О.К. Хожиматов

Заместитель председателя научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

Б.А.Адилов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Х.Ф.Шомуродов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире широкое освоение человеком природных экосистем и нарушение экологической среды приводят к сокращению разнообразия объектов флоры. В этой связи представляется необходимым разработать эффективную практику биодокументирования, оценивающую состояние флоры конкретного региона как глобальную стратегию сохранения видов растений. В связи с чем, оценка состояния местной флоры на основе современных методов ведения кадастров и разработка мероприятий по сохранению редких и эндемичных видов имеют важное научно-практическое значение.

В мире большое внимание уделяется совершенствованию международных программ, направленных на выявление разнообразия местной и национальной флоры, сохранению и защите уязвимых видов. В связи с этим были определены, в том числе состав и происхождение локальной и глобальной флоры, создана их международная база данных, разработаны эффективные методы сохранения популяций видов, находящихся под угрозой исчезновения. Следует отметить, что в связи с изменением видового состава растений в последние годы, взаимной несовместимостью классических и современных данных о флоре, отсутствием достоверных данных о «горячих точках» или «пробельных территориях» местной флоры требуется эффективное внедрение цифровой системы флоры, которая считается важной при оценке и охране территориального распространения видов. В связи с этим важным является программирование распространения видов и современной локализации в конкретных флористических регионах с помощью геоинформационных методов и на этой основе совершенствование мер охраны уязвимых объектов. Соответственно, инвентаризация флоры ботанико-географического района, создание сеточных карт, отражающих распространение видов, и внедрение в практику охраны редких и исчезающих видов имеют важное научное и практическое значение.

В настоящее время в республике особое внимание уделяется выявлению и охране разнообразия видов местной флоры. В связи с этим, в частности, была создана электронная база данных флоры республики, заложена кадастровая система регионов и внедрена практика сохранения редких видов методом *ex-situ*. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определена такая задача как «... предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды ...». Исходя из этих задач, соответственно, определение таксономического состава флоры, оценка распространения видов с помощью сеточных карт, разработка мероприятий по сохранению популяций редких, исчезающих и эндемичных видов Ургутского

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

ботанико-географического района имеют важное научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №914 «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 года, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №1034 «О мерах по организации подготовки, издания и ведения Красной книги Республики Узбекистан», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №484 «Об утверждении стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы» от 11 июня 2019 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

